



АХБОРОТ ХАТИ

Фанлар академияси Тарих институти Туркистон жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, буюк арбоб Мунавварқори Абдурашидхоновнинг 145 йиллиги муносабати билан 2023 йил 6 декабр куни “Мунавварқори Абдурашидхонов: миллий тараққиёт ва давлатчиликдаги ўрни ҳамда хизматлари” умуммиллий илмий йигинини ўтказишни мўлжалламоқда.

Йигиннинг бош йўналишлари:

1. Мустамлакачилик исканжасидаги Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг туғилиши.
2. Мунавварқори Абдурашидхонов турмуши ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, қатағони.
3. Мунавварқори Абдурашидхонов ва Туркистон Мухторияти.
4. Мунавварқори Абдурашидхоновнинг илмий ва маънавий мероси.

Чиқишлиар матнига доир талаблар

- чиқишлиар илмий йигин йўналишлари доирасида, теша тегмаган мавзулар, илмий муомалага киритилмаган манба ва маълумотлар, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида яратилган бўлиши шарт;
- матн (Microsoft Word, Times New Roman) давлат тилида, қаймоғи инглиз тилида қабул қилинади;
- матн ўлчами – 5 бетдан 10 бетгacha, қофоз ўлчами – А4, оралиқ – 1,15, ҳарф ўлчами – 14, бетнинг сўл чегараси – 30 мм, ўнг, юқори ва пастки чегаралари – 20 мм;
- матннинг бошланиши: муаллиф (исми, фамилияси, расмий лавозими, илмий даражаси ва унвони), сарлавҳа;
- чиқиши ва якунда келтирилган қисқача маълумотларга муаллифнинг ўзи жавобгардир;
- фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати матн сўнггида келтирилиб, ҳавола мукаммал тарзда ҳар бири матн сўнгига ўша бетнинг ўзида берилади.

ЭСЛАТМА: матнлар етук мутахассислар таҳлилидан ўтказилади, қўйилган илмий ва нашрий талабларга жавоб бермаганлари муаллифларга қайтарилмайди.

Илмий йигин барча учун очик бўлиб, унда чет эллик олимлар ҳам қатнашишлари мумкин.

Чиқишлиар **2023** йил **10** ноябр кунига қадар қабул қилинади.

Йиғин тили: ўзбек.

Йиғин жонли ўтказилади, унда узоқдан қатнашиш учун ҳам шароит (ЗООМ) яратилади.

Йиғин тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни Тарих институтининг <http://fati.uz> ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали олиш мумкин.

Чиқиш матнлари fati@gmail.com ва +998 94 424 33 11 (А. Йўлдошев) рақамидаги телеграмга юборилиши лозим.